

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 124

Ташкент шаҳри

« 27 » « 01 » 2022 йил

ООО "NEUES LEBEN", кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор Ахтамов О.А. номидан, бир томондан ва, РиО ВаРИАТМТБЗ кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Директор АН Абулхалимов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

	Товар (Маҳсулотлар) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	ККС		Баҳоси
					%	Сум	
1	Левифлоксацин гемигидрат (Левифлоксацин-NL p-p для инфузий 500мг./100 мл.)	фл	500	16318,40	ККС	СИЗ	8 159 200,00
	Жами						8 159 200,00

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 8 159 200,00 (Саккиз миллион бир юз эллик тўққиз минг икки юз) сўм 00 тийин ташкил қилади ККСни ҳисобга олмаганда.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдориди (шартнома суммасидан 30% миқдориди) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун Буюртмачи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи Буюртмачига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, окцибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи Буюртмачига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда Буюртмачи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судда кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Бюджетмачи»

ООО «NEUES LEBEN»

г. Ташкент, Яшнабадский район,

ул. Паркент тор, 271.

Р/с 20208000300923396001

ЧЭКИ “Инвест Финансбанк” Тошкент ш.ОПЕРУ филиал

МФО: 01041, ИНН: 305 762 654

ОКЭД: 46460

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил:

Тел./факс

х/р*

бюджетдан маблағ олувчи

ОКОНХ

Ғазначилик бошқармаси номи

Ягона Ғазначилик

Банкнинг номи

МФО

ОКЭД

МФО/00014

ОКЭД

Ғазначилик бошқармаси

СТИРи

Рахбар

Ахтамов О.А

(имзо)

Хуқуқиунос

Рахбар

(давозим)

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.ў

Хуқуқиунос





UZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHIKENT VILOYATI
TADBIKORLIK SUBYEKTLARI YAGONA DAVLAT REYESTRIGA

1260637



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga
"NEUES LEBEN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NEUES LEBEN" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.09.2018

637673

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305762654

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, PARKENT TOR KOC'HASI, 271-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



0100



Серия : № :

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ЛИЦЕНЗИЯ
15359 - сонли

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига

тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни удгуржи реализация қилиш ни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ушбу лицензия "NEUES LEBEN" масъулияти чекланган жамияти га берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент тор кўчаси, 271 уй.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):

305762654

Лицензия берилган сана:

05.04.2019г.

Амал қилиш муддати:

05.04.2024г.

Лицензиянинг реестр буйича тартиб рақами: 3930-19

Ваколатли шахс:

Б.Қ.Юсупалиев



Данный документ является копией электронного документа, сформированного в соответствии с Положением о Едином портале интерактивных государственных услуг, утвержденным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от _____ 2017 г. № _____. Для проверки достоверности сведений, указанных в копии электронного документа, перейдите на веб-сайт edoc.gov.uz и введите уникальный номер электронного документа, либо просканируйте QR-код с помощью мобильного устройства. Внимание! В соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от _____ 2017 г. № _____ сведения, содержащиеся в электронных документах, являются легитимными. Государственным органам категорически запрещено отказывать в принятии копий электронных документов, сформированных на Едином портале интерактивных государственных услуг.



0100



Салимов В. С.М.

Салимов

